



100047, O'zbekiston, Toshkent, Buxoro ko'chasi, 10
Tel.: 998 (71) 236-06-35, 236-06-34, Faks: 998 (71) 232-07-31

10, Bukhoro str., Tashkent, Uzbekistan, 100047
Tel.: 998 (71) 236-06-35, 236-06-34, Fax: 998 (71) 232-07-31

“ ” 2010 yil

Sizning _____ ga

Mazmun

ҚАРОР 15-07/052

4292/2142
«19» август 2010 йил

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази «Navoiydonmahsulotlari» ochiq aksiyadorlik jamiyati akциядорларининг 2009 йил 30 мартдаги умумий йиғилиши қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-рақам билан рўйхатга олинган «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари»нинг 100-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Navoiydonmahsulotlari» ochiq aksiyadorlik jamiyati akцияларининг номинал қиймати 500 сўмдан 800 сўмгача оширилиши ва аввал чиқарилган акциялар янги чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг 1995 йил 31 мартда P0288-рақам, 1996 йил 30 октябрда P0288-2-рақам, 2001 йил 10 апрелда P0288-3-рақам ва 2005 йил 5 майда P0288-5-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувларини эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг Ягона давлат реестридан чиқариш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- ариза;
- 1995 йил 31 мартдаги P0288-рақамли эмиссия рисоласининг асл нусхаси;
- 1996 йил 30 октябрдаги P0288-2-рақамли эмиссия рисоласининг асл нусхаси;
- 2001 йил 10 апрелдаги P0288-3-рақамли эмиссия рисоласининг асл нусхаси;
- 2005 йил 5 майдаги P0288-5-рақамли эмиссия рисоласининг асл нусхаси;
- Марказнинг 2001 йил 7 сентябрдаги 15-07/74-сонли қарорининг асл нусхаси;
- 2007 йил 13 июндаги эмиссия рисоласига киритилган 15-07/039-сонли ўзгартиришлар матнининг асл нусхаси.

2. «Navoiydonmahsulotlari» ochiq aksiyadorlik jamiyati akцияларининг номинал қиймати 500 сўмдан 800 сўмгача оширилиши ва аввал чиқарилган акциялар янги чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг 1995 йил 31 мартда P0288-рақам, 1996 йил 30 октябрда P0288-2-рақам, 2001 йил 10 апрелда P0288-3-рақам ва 2005 йил 5 майда P0288-5-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган акциялар чиқарилувларига асосан чиқарилган умумий

қиймати 371 837 000 сўмлик, номинал қиймати 500 сўм бўлган 742 111 дона оддий ва 1563 дона имтиёзли эгаси ёзилган хужжатсиз акциялари ва RU101P0288T7, RU201P0288T5, RU102P0288T5, RU202P0288T3, RU103P0288T3, RU105P0288T8 миллий идентификация рақамлари бекор қилинсин.

3. Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасига:

- «Navoiydonmahsulotlari» ochiq aksiyadorlik jamiyati акциялар чиқарилуви миллий идентификация рақамлари RU101P0288T7, RU201P0288T5, RU102P0288T5, RU202P0288T3, RU103P0288T3, RU105P0288T8 бекор қилинганлиги тўғрисида ЯДРга тегишли ёзувлар киритиш;

- мазкур қарорнинг бир нусхасини «Navoiydonmahsulotlari» ochiq aksiyadorlik jamiyatiga ва бир нусхасини қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармаси зиммасига юклатилсин.

Марказ Бош директори

К.Ф.Толипов